


XVII. ҲУҚУҚБУЗАРЛИК

Ўзбекистон Республикаси ИИВ маълумотларига кўра 2017 йилда 73692 та жиноятчилик ҳолатлари қайд этилган бўлиб, 2016 йилга нисбатан 15,7% га камайган.

1990-2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони динамикаси




1990 йилда 88,2 минг жиноят рўйхатга олинган бўлиб, ҳар 10,0 минг аҳолига 43,2 та жиноят тўғри келган. 1995 йилда жиноятлар сони 67,0 мингтага камайган бўлиб, 2010 йилда жиноятлар сони 90,1 мингтагача ошган, ҳар 10,0 минг аҳолига жиноятлар сони 31,5 тани ташкил этган. 2017 йилда рўйхатга олинган жиноятлар сони 73,7 мингтага камайган, рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳар 10,0 минг аҳолига 22,8 тани ташкил этмоқда.

2016-2017 йилларда барча хизмат йўналишлари бўйича жиноятларнинг даражалари бўйича сони, бирликда



Ўзбекистон Республикасида ўта оғир жиноятлар сони 2016 йилдаги 3486 тадан 2017 йилда 2891 тагача камайганлиги кўриш мумкин (17,1% га). Оғир жиноятлар эса 2016 йилги 9957 тадан 2017 йилда 10334 тага кўпайган (3,8% га). Унча оғир бўлмаган жиноятлар эса 2016 йилга нисбатан 2017 йилда 16,7% га камайган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноят турлари бўйича сони, бирликда



Безорилик жинояти (38,0% га), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (29,9% га), иқтисодиёт асосларига қарши, хўжалик фаолияти соҳасидаги, ҳокимият органларининг фаолият таркибига қарши жиноятлар (24,7% га), босқинчилик жинояти (22,8% га), қасддан одам ўлдириш ва ўлдиришга уриниш жинояти (22,1% га), номусга тегиш ва номусга тегишга уриниш (21,8% га), талончилик жинояти (21,0% га), гиёҳванд воситалари билан қонунга хилоф равишда муомила қилишга оид (15,9% га), қасддан баданга оғир шикаст етказиш (7,2% га), фирибгарлик (5,8% га) жиноятлари сони камайган. Транспорт воситаларини ўғирлаш жинояти қайд этилмаган.


Шу билан бирга, порахўрлик 6,5% га, хонадонларни тунаш 3,3% га кўпайган, дўкон ва савдо нуқталарини тунаш 5,7% га, велосипед ва мопедларни тунаш 9,6% га камайган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноятлар сони ҳудудлар кесимида, бирликда



Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида 2016 йил билан таққосланганда жиноятлар сони камайганлиги кузатилади: Сурхондарё (23,7% га), Сирдарё (23,5% га), Қашқадарё (23,4% га), Хоразм (22,5% га), Андижон (20,6% га), Наманган (16,7% га), Фарғона (14,3% га), Тошкент (13,8% га), Жиззах (9,2% га), Навоий (9,0% га), Бухоро (3,5% га), Самарқанд (0,6% га) вилоятларида, Қорақалпоғистон Республикасида (17,2% га) ва Тошкент шаҳрида (16,9% га).

2017 йилда жиноят содир этган шахслар



Мехнатга қобилиятли,
ишламайдиган ва
ўқимайдиганлар



20253 ↓ 74,6%

Таълим
муассасаларида
ўқиётганлар



1565 ↓ 82,2%

Бошқа тоифадаги
шахслар



19785 ↓ 94,1%

Жами жиноят содир этган шахслардан:

Гуруҳ бўлиб



23313 ↓ 76,7%

Мастликда




1668 ↓ 68,8%

Аввал жиноят
содир этганлар



9853 ↓ 94,4%

Вояга
етмаганлар



1727 ↓ 83,8%


Жиноят содир этган шахслар 78648 тани ташкил этган, 2016 йил билан таққосланганда 15,6% га камайган. Шулардан 65504 нафари жиноий жавобгарликка тортилган.

Аёллар томонидан жиноят содир этиш 17,4% га, эркаклар томонидан жиноят содир этиш эса 15,2% га камайган.

Жиноят содир этган вақтда бандлиги бўйича тахлил қилинганда меҳнатга лаёқатли ишламайдиган, ўқимайдиганлар (25,4% га), умумтаълим ва ўрта махсус, касб-хунар коллежлари ўқувчилари (15,2% га) орасида жиноят содир этиш камайган.

Жиноят содир этганлар орасида гуруҳ бўлиб (22,7% га), вояга етмаганлар ўртасида (16,1% га), маст ҳолатда (31,2% га), аввал жиноят содир этганлар (5,6% га) орасида жиноят содир этиш камайган.

2017 йилда Ўзбекистон Республикасида жиноят содир этганларнинг ёши бўйича тақсимланиши, % да




■ 13-17 ёш ■ 18-24 ёш ■ 25-30 ёш ■ 31 ёш ва ундан ортиқ

2017 йилда жиноят содир этганларнинг ёши бўйича тақсимланишидан кўринадики: балоғатга етмаганлар 1727 нафарни, 18-24 ёшлилар 12493 нафарни, 25-30 ёшлилар 14233 нафарни ва 31 ёшдан юқорилар 50195 нафарни ташкил этган.

Вояга етмаганлар, яъни 13-17 ёшлилар (55,4% ни), 18-24 ёшлилар (25,4% ни), 25-30 ёшлилар (14,4% ни) ўртасида ўғрилик жинояти асосий ўринни эгаллайди. 31 ёш ва ундан катта ёшлилар ўртасида фирибгарлик (16,3% ни) жинояти асосий қисми ташкил этади.

**2017 йилда жиноят содир этган шахсларнинг
жинси ва жиноят турлари бўйича тақсимланиши, %да**



Жиноят содир этганлар шахслар орасида аёллар 14,5% ни, эркаклар 85,5% ни ташкил этади. Жиноят турлари бўйича тақсимланишидан кўринадики, порахўрликда аёлларнинг хиссаси 27,3% га, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятида 17,8% ни, фирибгарликда 17,5% ни, ўғирлик жиноятида 12,3% ни, қасдан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш жиноятида 12,0% ни, безорилик жиноятида 8,8% ни, қасдан баданга оғир шикаст етказишда 8,3% ни, талончиликда 6,3% ни, босқинчиликда 5,8% ни ташкил этади. Эркаклар улуши номусга тегиш ва номусга тегишга уринишда 99,7% ни, босқинчиликда 94,2% ни, талончиликда 93,7% ни, қасдан баданга оғир шикаст етказишда 91,7% ни, безорилик жиноятида 91,2% ни, қасдан одам ўлдириш ва одам ўлдиришга уриниш жиноятида 88,0% ни, ўғрилик жиноятида 87,7% ни, фирибгарликда 82,5% ни, ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш жиноятида 82,2% ни, порахўрликда 72,7% ни ташкил этади.